

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.12.2019.А.11.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**
**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

ФАЙЗУЛЛАЕВА НОДИРА НАЙИМОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИЙ ШАҲАР МАРКАЗЛАРИДА ТУРАР-
ЖОЙЛАРНИ САҚЛАШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАШ УСУЛЛАРИ
(Бухоро шаҳри мисолида)**

**18.00.01 – Архитектура назарияси ва тарихи.
Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш**

**АРХИТЕКТУРА БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Архитектура бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление авторефера диссертации доктора философии
(PhD) по архитектуре**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy
(PhD) on architecture**

Файзуллаева Нодира Найимовна

Ўзбекистон тарихий шаҳар марказларида туар-жойларни сақлаш
ва қайта тиклаш усуслари 3

Файзуллаева Нодира Найимовна

Способы сохранения и восстановления жилья в центре
исторических городов Узбекистана 23

Fayzullaeva Nodira Nayimovna

Ways of preservation and restoration of dwelling in the center of
historical cities of Uzbekistan 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 48

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.12.2019.А.11.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**
**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

ФАЙЗУЛЛАЕВА НОДИРА НАЙИМОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИЙ ШАҲАР МАРКАЗЛАРИДА ТУРАР-
ЖОЙЛАРНИ САҚЛАШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАШ УСУЛЛАРИ
(Бухоро шаҳри мисолида)**

**18.00.01 – Архитектура назарияси ва тарихи.
Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш**

**АРХИТЕКТУРА БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/A55-рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Мирзо Улугбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-курилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://www.taqi.uz/interaktiv-xizmatlar/taqi-ilmiy-faoliyati/ixtisoslashgan-kengashlar/> avtoref.html) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталаида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Салимов Арифджан Муслимович
архитектура доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Юсупова Мавлюда Аминжоновна
архитектура доктори, профессор

Гильманова Нафиса Валиахметовна
архитектура бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти

Диссертация химояси Тошкент архитектура қурилиш институти хузуридаги DSc.03/30.12.2019.A.11.02рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “29” декабр соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 7B-уй. Архитектура факультети мажлислар зали. Тел.: +99871 235-43-30, факс: +99871 234-15-11, web: www.taqi.uz; e-mail: devon@taqi.uz.)

Диссертация билан Тошкент архитектура-курилиш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (**70** рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Кичик халқа йўли кўчаси, 7-уй. Тел.: +99871 234-60-16).

Диссертация автореферати 2021 йил «__» ____ куни тарқатилди.

(2021 йил «__» ____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Д. А. Нозилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, архитектура доктори, профессор

Ш. С. Рейимбаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, архитектура фанлари номзоди, доцент

А. А. Сайдов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси Илмий семинар раиси, архитектура фанлари номзоди, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Хозирги кунда Париж, Лондон, Рим, Истамбул, Боку, Исфахон, Санторини (Греция), Ал-Балад (Саудия Арабистони), Кувайт, Марокаш, Кохира (Миср) ва бошқа тарихий шаҳарларда анъанавий турар-жойларни сақлаш ва қайта тиклаш масаласи бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада БМТ, ЮНЕСКО, ICOMOS каби халқаро ташкилотлар томонидан маданий меросни сақлаш ва уларни келгуси авлодга етказишга доир – Бутунжаҳон моддий ва номоддий меросни ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция (1972 йил)¹, тарихий шаҳарларни муҳофаза қилиш халқаро хартияси (Вашингтон хартияси, 1987 йил), маданий мерос ҳисобланган тузилма, обьект вайроналарининг атрофини сақлаб қолиш тўғрисидаги Сиян деклорацияси (2005 йил) каби халқаро ҳужжатларнинг қабул қилиниши, бу соҳа жаҳон олимларининг диққат эътиборида эканлигини кўрсатади.

Жаҳон миқёсида тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилишда атроф-муҳитнинг асосий ҳажмини ташкил қилувчи тарихий турар-жойларни ҳам архитектура ёдгорлиги сифатида сақлашга қаратилган чора тадбирлар эътиборга лойик. Аҳолининг замонавий ҳаёт билан яшаш хоҳишини инобатга олиб, улар учун қулай шароит яратиш жаҳон олимларини олдига қўйилган асосий масалалардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда МОТХИ (Марказий осиё тадқиқотлар халқаро институти)² бошчилигида яхудийларнинг тарихий турар-жойларини тадқиқ этиш, ҳужжатлаштириш ва ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиши бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистоннинг барча соҳалари бўйича жадал ривожланишига йўналтирилган Ҳаракатлар стратегиясида қурилиш ва меъморчилик соҳаларини янада такомиллаштириш, тарихий шаҳарларни сақлаш ва улардан мамлакатимиз сайёҳлик тизимини ривожлантиришнинг асосий омили сифатида фойдаланиш ҳақида аниқ йўналишлар белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2021 йилда Олий Мажлис ва халқقا қилган мурожаатномаларида маданий меросимиз масаласи муҳим эканлигини ва «Бой тарихимиз дурдонаси бўлган маданий меросимизни асраб-авайлаб, келажак авлодлар учун безавол етказишимиз зарур³» эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. 2021 йилда юртимизда «Ўзбекистоннинг маданий мероси» халқаро мультимедия дастури доирасида Ўзбекистондаги маҳаллаларни ўрганишга бағишлиланган концепция лойиҳаси ишга тушди. Икки йилга мўлжалланган ушбу лойиҳа мақсади, Тошкент, Самарқанд ва Бухоро маҳаллалари, хусусан, анъанавий турар-жойлар ҳақида китоб-альбомлар нашр этиш⁴. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистондаги анъанавий турар-жойларни ўрганиш, уларни бугунги ҳолатини

¹ Ушбу конвенция Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 22 декабрь 1995 йилда ратификация қилинган № 182-І «Бутунжаҳон моддий ва номоддий меросни ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенцияни ратификация қилиш»

² <http://wmf-bukhara.unesco-iicas.org/uz#>

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси: <https://president.uz>

⁴ Телеграм канал «Ўзбекистоннинг маданий мероси » @uzbculture

тадқиқ этиш ва қайта тиклаш усулларини замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш нақадар долзарб эканлигини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги ПФ-5181-сон «Моддий-маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида», 2018 йил 11 апрелдаги ПФ-5408-сон «Қурилиш Вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 июлдаги 200-сон «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасини янада такомиллаштириш» бўйича қарори ва соҳага тегишли бошқа мөъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация натижалари муайян даражада хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. XX асрдан бошлаб юртимизда қатор олимлар томонидан Ўзбекистон тарихий шаҳарлари туарар-жойларининг архитектураси ва уларнинг шаҳарсозлиқдаги ўрни ҳақида тарихий, типологик, этнографик, археологик, топографик тадқиқотлар олиб борилган ва уларнинг натижалари илмий мақолаларда чоп этилган.

Ўзбекистон тарихий шаҳарларининг тарихи ва архитектурасини ўрганишга В.Л. Вяткин⁵, В.В. Бартольд⁶, М. Е. Массон⁷, Г. А. Пугаченкова⁸, Л.И. Ремпель⁹, О.А. Сухарева¹⁰, П.Ш. Зохидов¹¹, Р.У. Чекаева¹², М.Қ. Аҳмедов¹³, М.А. Юсупова¹⁴, А.С. Уралов¹⁵, Г.С. Дурдиева¹⁶, Ш. З. Нурмухамедова¹⁷ ва бошқаларнинг илмий ишлари бағишиланган.

Ўзбекистон тарихий туарар-жойлари архитектураси ва қайта тиклаш муаммоларига оид асарлар қаторида Р.Р. Абдурасолов¹⁸, В.А. Воронина¹⁹,

⁵ Вяткин В. Л. Памятники древностей Самарканда. //Объяснительный текст к «Альбому фотографических снимков Самаркандских памятников древностей». – Самарканд, 1927. – 32 с.;

⁶ Бартолд В. В. История культурной жизни Туркестана. // Собр.соч.: в 9 т. Т. II (1). – Москва., 1963.

⁷ Массон В. М., Мерперт Н. Я. Археология СССР. Энеолит СССР. – Москва. «Наука», 1982. – 359 с.;

⁸ Пугаченкова Г. А., Ремпель Л. И. История искусств Узбекистана с древнейших времён до середины XIX века. – Москва.: Изд-во «Искусство», 1965. – 686 с.;

⁹ Ремпель Л. И. Далекое и близкое. Бухарские записи. Ташкент: Изд-во им. Г Гуляма, 1981. – 301 с.;

¹⁰ Сухарева О. А. Позднефеодальный город Бухара: Сб. науч. тр. Ташкент, 1979. – 182 с.

¹¹ Зохидов П. Ш. Мемор санъати. – Ташкент: «Адабиёт ва санъат», 1978.– 102 с.;

¹² Чекаева Р. У. Архитектура XVI –XX веков Бухарского оазиса – Автореферат канд.дисс. Ленинград,1978 г.;

¹³ Аҳмедов М. Қ. Ўрта Осиё меморчилиги тарихи. – Т.: «Ўзбекистон», 1995. – 142 б.;

¹⁴ Юсупова М. А. Бухарская школа зодчества XV-XVII в.в.: Дисс. док.архитектуры. – Т., 2000 г. – 327 с.;

¹⁵ Уралов А. С., Рахимов Л. А. Темурийлар архитектураси тарихи. СамДУ нашри, Самарқанд, 2020 – 246 б.

¹⁶ Дурдиева Г. С. Хива меморий ёдгорликларни сақлаш ва тъмирлаш методологиясини такомиллаштириш. Маъруза шаклидаги арх.фан доктори (DSc) диссертацияси. Т., 2017.

¹⁷ Нурмухамедова Ш. З. Закономерности и стилевые особенности архитектуры Узбекистана античного периода. Автореферат дисс. доктора наук (DSc) по архитектуре. Т. 2019. – 59 с.

¹⁸ Абдурасолов Р. Р. «Архитектура народного жилища Узбекистана», Архитектурное Наследие Узбекистана, Т., 1960.-36 с.

¹⁹ Воронина В. Л. Народные традиции архитектуры Узбекистана. М.: Гос.изд.арх.и строй. 1951. – 166 с.

А.К. Писарчик²⁰, В.А. Нильсен²¹, В.М. Дмитриев²², С.Н. Полупанов²³, В.Л. Лавров²⁴, В.Н. Манакова²⁵, И.И. Ноткин²⁶, П.Ш. Зохидов²⁷, Д.А. Нозилов²⁸, Ш.Д. Аскarov²⁹, Т.Ф. Қодирова³⁰, И.М. Азимов³¹, Х.Ш. Пўлатов³², З.Ш. Досметова³³, А.А. Зияев³⁴, А.М. Салимов³⁵, Р. Ш. Авазов³⁶, К. Д. Рахимов³⁷, Т.Ш. Маматмусаев³⁸, Д.З. Салохиддина³⁹, З. Ф. Шайхисламов⁴⁰, Д.В. Латипов⁴¹, В.М. Махмудов, Б.И. Иноғомов, Ф. Б. Иноғомов⁴², А.А. Айматов⁴³ ва бошқаларнинг илмий ишларини киритиш мумкин.

Бундан ташқари, бугунги кунда тарихий шаҳар марказларини сақлаш, қайта тиклаш ва замонавий мақсадларда фойдаланиш бўйича Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ ДУК, Тошбошплан ЛИТИ ДУК, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Санъатшунослик институти, СамДАҚИ ва ТАҚИ олимлари шуғулланмоқда.

Бироқ, шуни таъкидлаш керакки, юқорида келтирилган олимларнинг тадқиқот ишлари тарихий шаҳарлар марказларида туарар-жойлар масалаларига бағишиланган, аммо бугунги кунда Бухоронинг тарихий шаҳар марказидаги туарар-жойларини сақлаш ва қайта тиклаш муаммолари маҳсус илмий тадқиқотни талаб этади.

²⁰ Писарчик А. К. Народная архитектура Самарканда. – Душанбе: «Дониш», 1975 – 141 с.

²¹ Нильсен В. А., Манакова В. И. «Архитектурный декор памятников Узбекистана». Л., 1974. - 122 с.

²² Дмитриев В. М. Вопросы использования архитектуры узбекского народного жилища в современной практике. – Т.: «Фан» Узбекской ССР 1980 г.- 63 с.;

²³ Полупанов С. Н. Жилой дом в Старом Самарканде, «Архитектура СССР», 1937, №1.

²⁴ Лавров В. А. Градостроительная культура Средней Азии – М.: Гос. изд. Арх. и град. 1950. – 179 с.;

²⁵ Манакова В. Н. «Художественная культура народного жилища Узбекистана»: Монография - альбом. Т.: Гафур Гулям, 1989. – 184 с.

²⁶ Ноткин И. И. Искусства древних. Т.: «Узбекистан». 1968 – 48 с.

²⁷ Зохидов П. Ш. Традиции народных зодчих Узбекистана. М.: «Наука», 1964. – 8 с

²⁸ Нозилов Д. А. Марказий Осиё меъморчилигига интеръер. – Т.: «Фан», 2005. – 216 б.

²⁹ Аскarov Ш. Д. Генезис архитектуры Узбекистана. – Т.: «San`at», 2014. – 233 с.

³⁰ Кадырова Т. Ф. Пути архитектурного возрождения Узбекистана за XX – начала XXI вв.. – Т.: ТАСИ, 2007. – 303 с.

³¹ Азимов И. М. Ўзбекистон накшу-нигорлари. – Т.: «Гафур Ғулом», 1987. – 142 б.

³² Пулатов Х. Ш., Маматмусаев Т. Ш. Шаҳарсозлик ёдгорликларини қайта тиклаш. Монография. – Т.: ТАҚИ, 2016.

³³ Досметова З. Ш. XIX–XX аср бошларида Тошкент туарар-жой уйларидаги бадиий-безакларнинг ўзига хос ҳусусиятлари [маҳаллий меъморий-бадиий мактабини ўрганишга доир]. Т. 2008. – 14 б.

³⁴ Зияев А. А. Тошкент. 2 том. . – Т., 2012. – 22-43 б.

³⁵ Салимов А. М. Ўзбекистон архитектура ёдгорликларини сақлаш ва улардан фойдаланиш. – Т.: «Навруз», 2020. – 320 б.

³⁶ Авазов Р. Ш. http://sv.zarnews.uz/post/raxim-avazov-samarkand-teruyayet-svoyu_arxitektturnuyu-samabitnos.

³⁷ Рахимов К. Д., А. И. Мохов Махаллинские ансамбли. – М.: «Центр», 1996. – 125 с.

³⁸ Маматмусаев Т. Ш. Ўзбекистон тарихий шаҳарларининг шаклланиши ва ривожланиши. Арх.д. дисс.автореферати. Т. 2019 – 77 б.

³⁹ Салохиддина Д. З. Ўзбекистон меъморчилигига ҳовли анъаналарининг шаклланиши ва ривожланиш тамоиллари, номзодлик диссертацияси автореферати, Т., 2012. – 25 б.

⁴⁰ Шайхисламов З. Ф. Устойчивое развитие жилой среды в рамках комплексной реконструкции застройки. // «Современная архитектура и инновации» материалы международной конференции. 2012 год 19-20 ноября. Т. – 171 с.

⁴¹ Латипов Д. В. Некоторые аспекты концепции реконструкции исторических частей городов Узбекистана (Ташкент, Самарканд, Бухара, Хива, Шахрисабз, Коканд). // «Современная архитектура и инновации» материалы международной конференции. 2012 год 19-20 ноября. Т. – 138 с.

⁴² Махмудов В. М., Иноғомов Б. И., Иноғомов Ф. Б. Турар жой биноларини реконструкциялаш методи ва архитектуравий-лойиҳавий ечимга таъсир этувчи омиллар. // «Современная архитектура и инновации» материалы международной конференции. 2012 год 19-20 ноября. Т. – 93-94 с.

⁴³ Айматов А. А. Самарқанд шаҳри туарар жойларни сақлаш ва қайта тиклаш йўлларини такомиллаштириш. Арх.ф.д. (PhD) дисс. автореферати. – Т. 2020. – 53 б.;

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Мирзо Улугбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ Ф.1-023 «Ўзбекистон архитектураси назарияси ва тарихи, меъморий қадриятлар ва анъаналаримизни тадқиқ қилиш ва улардан самарали фойдаланиш» (2018-2022 йй.) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон тарихий шаҳар марказларида туар-жой биноларини сақлаш, қайта тиклаш усулларини такомиллаштириш ва модернизация қилиш борасида тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон туар-жой биноларининг шаклланишида табиий-иқлимий худудларга бўлиниши ва турланишини ўрганиш;

Ўзбекистон тарихий шаҳар марказларида туар-жойларнинг умумий ва ўзига хос жиҳатларини ўрганиш;

Бухоро тарихий шаҳар марказидаги туар-жойларнинг ҳозирги ҳолати билан танишиш;

Бухоро тарихий шаҳар марказидаги туар-жойларнинг меъморий-тархий, ҳажмий-фазовий, композициявий ечимлари, ташқи ва ички тарзларининг пардозлаш усулларини ўрганиш ва асосий қурилиш материалларини аниқлаш;

Бухоро тарихий марказидаги туар-жойларни қайта тиклаш тамоиллари ва усулларини ишлаб чиқиши;

Бухоро тарихий марказидаги туар-жойларни қайта тиклаш бўйича лойиҳавий таклифларни ишлаб чиқиши.

Тадқиқот обьектини Бухоро шаҳрининг тарихий шаҳар марказида XIX аср охири - XX аср бошида қурилган тарихий туар-жойлар ташкил этади.

Тадқиқот предмети Бухоро тарихий шаҳар марказидаги туар-жойларни қайта тиклаш асослари, усулларини ўрганиш ва такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида бизгача сақланиб қолган тарихий туар-жой биноларини жойида ўрганиш, уларнинг ҳозирги ҳолати мониторингини ўтказиш, таснифлаш, натурал тадқиқ қилиш, фотофиксация, архив материалларини ўрганиш, йиғилган материалларни таҳлил қилиш ва илмий умумлаштириш, хулосалар чиқариш каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Бухоро тарихий шаҳар марказидаги туар-жойларнинг ўзига хос жиҳатларини акс эттирган асосий таркибий қисмлари (хонаи тобустони (мехмонхона), хонаи зимистони (қишки хона), мадон, ним-айвон, тагхона, ҳовли, кўкалам) аниқланган;

тарихий туар-жойларни сақлаш ва қайта тиклаш лойиҳаларида асосий таркибий қисмларни (хонаи тобустони (мехмонхона), хонаи зимистони (қишки хона), мадон, ним-айвон, тагхона, ҳовли, кўкалам) туар-жой тархининг негизи сифатида қўллаш таклиф этилган;

Бухоро тарихий шаҳар марказидаги туар-жойларнинг айрим жиҳатларини шаклланишида Ислом фалсафасининг ўрни ёритиб берилган бўлиб, улар туар-жойнинг эркаклар ва аёллар қисмларига бўлинишида, конструкция ва бадиий

безак деталларининг сонида (том ёпмада болорлар сони, яшаш хоналарида эшик ва деразалар сони, токчаларда токчабандонлар (косамон) сони, яшаш хоналарининг деворларида токчалар сони), хоналарнинг дераза ва эшигини жойлаштиришда, тарх ечимида, ҳажмий-фазовий ечимда, тарз ва ички муҳитни бадиий безатилишида ўз аксини топган. Ислом фалсафасини қўллаш тарихий турар-жойларни саклаш ва қайта тиклашнинг асосларига киритиш таклиф этилган;

тарихий шаҳар марказида Бухоро анъанавий турар-жойларининг ҳажмий-фазовий, бадиий ечимлари сақлаб қолинган II категорияга тегишли турар-жойларнинг 22 таси аниқланган ва улар давлат муҳофазасига олинниб, сайёхлик маршрутига киритиш таклифи ишлаб чиқилган;

Бухоро тарихий шаҳар марказидаги турар-жойларнинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда, уларни саклаш ва қайта тиклаш усуллари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

Бухоро тарихий шаҳар марказида жойлашган ва муҳофазага олинган турар-жойлар манзилли ўрганилган, уларнинг конструктив ва бадиий жиҳатлари ёритиб берилган, ўлчов ишлари олиб борилган;

Бухоро тарихий шаҳар марказидаги тадқиқ этилган турар-жойлар рўйхатида уй-музей сифатида фойдаланиш мумкин бўлган манзиллар аниқланган ва уларни туристик маршрутга киритиш харитаси тузилган;

Бухоро тарихий шаҳар марказидаги турар-жойларнинг категориясига қараб, гурухларга ажратилган ва уларни қайта тиклашнинг намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилган;

Бухоро тарихий шаҳар марказида жойлашган турар-жойларни саклаш, қайта тиклаш ва модернизация қилиш борасида тавсиялар ишлаб чиқилган, бу эса тарихий ҳудудда шаклланадиган архитектуруни назорат қилиш ва янги лойиҳаларда фойдаланиш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, илмий натижалар муайян тадқиқот усуллари асосида аниқланганлиги ҳамда кўп сонли илмий мақолаларда ўз аксини топганлиги, тадқиқот натижаларининг республика ваколатли ташкилотларида амалиётга жорий этилганлиги ҳақидаги далолатномалар билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон меъморчилиги тарихи ва назарияси соҳасидаги билимларни кенгайтириш ва бойитиш билан бирга тарихий турар-жойларни саклаш, қайта тиклаш ва модернизация қилиш бўйича илмий лойиҳа ишларини бажаришда катта аҳамиятга эга эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти архитектура ва қурилиш ташкилотлари фаолиятида, тарихий шаҳарларни қайта тиклаш ва саклашда, туризми ривожлантиришда, замонавий меъморчилик ва шаҳарсозликни ривожлантириш бўйича амалиётда фойдаланиш мумкинлиги ҳамда олий таълим муассасаларида архитектура ва шаҳарсозлик соҳасида таъмирлаш ва қайта тиклаш бўйича фанларни такомиллаштиришга хизмат килади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. «Ўзбекистон тарихий шаҳар марказларида туарар-жойларни сақлаш ва қайта тиклаш усуллари (Бухоро шахри мисолида)» мавзуси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Бухоро тарихий шаҳар марказида жойлашган 150 та тарихий туарар-жойлар манзилли ўрганилган, 60 дан ортиқ туарар-жойда ўлчов ишлари олиб борилган, ўрганилган тарихий туарар-жойларнинг конструктив ва бадиий ҳолатига қараб категорияларга ажратилган ва ҳар-бир категориядаги туарар-жой учун сақлаш ва қайта тиклаш усуллари ишлаб чиқилган, (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос Департаменти 2021 йил 24 июнь №01-01/1153 маълумотномаси); Натижада, 22 та уй-музей сифатида фойдаланиш мумкин бўлган тарихий уйлар давлат муҳофазасига киритиш таклифи берилган ва уларни сайёхлик маршрутига киритиш лойиҳаси ишлаб чиқилган;

Бухоро тарихий шаҳар марказида жойлашган тарихий туарар-жойларни сақлаш ва қайта тиклаш асослари (Бухоро тарихий марказ аҳолисининг социал-демографик таркибини саклаб қолиш; Ислом фалсафасига асосланиш; табиат ва об-ҳаво шароитидан фойдаланиш; анъанавий қурилиш усулларини қўллаш; анъанавий ва замонавий қурилиш ашёларини комплекс ишлатиш) такомиллаштирилган, тарихий туарар-жойнинг асосий композицион қисмлари (мехмонхона – «хонаи калон», қишки хона – «хонаи зимистони», мадон – меҳмонхона таркиbidаги ёрдамчи хона, тагхона – меҳмонхона остидаги омборхона, ним-айвон, ҳовли, кўкалам) аниқланган, ушбу қайта тиклаш асослари ва композиция элементлари амалиётчи архитекторларга тарихий шаҳарда янги туарар-жойларни лойиҳалашда методологик аҳамиятга эга янгилик ҳисобланади (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос Департаменти 2020 йил 28 сентябр №01-02-ФЖ/600 маълумотномаси). Натижада, Бухоро шаҳар Хўжа Порсо кўчаси 6 уй, X.Ибодов кўчаси 37 уй манзилидаги тарихий уйларнинг регенирация ва реставрация лойиҳаси ишлаб чиқилган;

Бухоро тарихий шаҳар марказида жойлашган тарихий туарар-жойлар архитектурасининг шаклланишида Ислом дини фалсафасининг ўрни ёритиб берилди, тарихий туарар-жойларни сақлаш ва қайта тиклашда Ислом фалсафасига асосланишини тамоил сифатида фойдаланиш зарурлиги исботлаб берилди, тадқиқот натижалари Ўзбекистонда биринчи марта амалга оширилган бўлиб, Ислом динининг туарар-жой архитектурасига таъсирини ўрганиш учун илмий янгилик ҳисобланиши мумкин (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Ислом цивилизацияси маркази 2021 йил 12 июль №399/21 маълумотномаси). Олиб борилган изланишлар натижалари Ислом цивилизацияси маркази музей экспозициясини такомиллаштиришда, шунингдек келажакда илмий изланувчи ходимлар учун мавзуга оид матнларни, фотоловҳаларни тайёрлаш ва тарихий биноларни моделлаштиришда фойдаланилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганилиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий мақола ва тезислар нашр этилган, шулардан Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссияси тавсия этган илмий нашрларда 12 та илмий мақола (1 таси хорижий журнал)да нашр этилган. Республика ва халқаро илмий конференциялар материалларида жами 16 та тезис, улардан 11 таси халқаро анжуманлар түпламларида чоп эттирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, З та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, атамаларнинг изоҳли луғати ва иловадан иборат бўлиб, асосий матн 130 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, обьекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилиниб, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Ўзбекистон тарихий шаҳарларида турар-жойларнинг шаклланиши» деб номланган биринчи боби Ўзбекистон турар-жой биноларининг шаклланишида табиий-иклиний ҳудудларга бўлиниши, Ўзбекистоннинг тарихий марказларида шаклланган турар-жой турлари, Ўзбекистон тарихий шаҳар марказларида турар-жойларнинг умумий ва ўзига хос жиҳатлари, шунингдек Ўзбекистон тарихий шаҳар марказларида турар-жойларнинг ҳозирги ҳолати деб номланган бўлимлардан таркиб топган.

Турар-жой бошқа турдаги бино ва иншоотлардан фаркли ўлароқ, нисбатан ўзи бунёд этилган жойнинг шароитига қараб турланади. Турар-жой бинолари - Ўзбекистон халқ архитектурасида ўзининг мураккаблиги ва кўпқирралиги билан ажralиб туради. Одатда турар-жой бинолари ўзининг шаклу-шамойили билан бошқа турдаги архитектура обьектларига караганда мураккаброқдир. Турар-жойнинг шакли бир неча хусусиятларга (тарихий, ижтимоий, этник ва иқлим шароитларига) қараб шаклланади.

Бугунги кунда Ўзбекистон худуди I (Ia, Iб, Iв, Iг), II, III иқлиний ҳудудларга бўлинади. Биринчи худудга Қорақалпоғистон автоном республикаси, Хоразм вилояти, Бухоро вилояти, Қашқадарё вилояти, Сирдарё вилояти, Жиззах вилояти ва Сурхондарё вилоятининг Шеробод ва Термиз туманлари киради. Иккинчи худудга Самарқанд вилояти, Навоий вилояти, Сурхондарё вилоятининг Денов тумани, Тошкент вилояти киради. Учинчи худудга тоғли зоналар киритилган⁴⁴. Ушбу зоналарга бўлишда энг асосий мезон ҳаво ҳароратининг кўрсаткичи бўлиб хизмат қиласди.

Ўзбекистон тарихий марказларида турар-жойлар турларининг шаклланишида тарихий шароитлар ҳам катта аҳамият касб этган. Шаҳар, вилоятларнинг бўлиниши ҳар хил маданият ўчоқлари ва турли хил меъморий мактабларни келтириб чиқарган.

Масалан, Бухоро дунёning қадимий шаҳарлардан бири бўлиб, юзлаб карвон йўллари кесишган жой, Мовароуннаҳр сиёсий маркази, XVI асрдан бошлаб Шайбонийлар давлатининг пойтахти, кейинчалик эса Бухоро

⁴⁴ ҚМҚ 2.01.01-94 Климатические и физико-геологические данные для проектирования. – 23 с.

амирлигининг пойтахтида турар-жойларнинг ўзига хос тури ривожланган⁴⁵. Бу турар-жой тури Самарқанд, Тошкент, Қарши шаҳарларининг турар-жойларига ўз таъсирини кўрсатган.

Хоразм қадим замонлардан ўтган аср охирига қадар мустақил сиёсий тугун ҳисобланган (XIII-XIV ва қисман XVI асрлардан ташқари). Унинг бошқа сиёсий марказлардан узоқлиги мустақил ва серқирра меъморий мактабнинг шаклланишига, бошқа маданиятлардан чўл билан ажralиб туриши эса меъморий мактабнинг қадриятлари мустаҳкамланишига сабаб бўлган.

Шу каби Фарғона водийсининг географик жойлашуви унинг сиёсий автономиясини сақлаб қолишга сабаб бўлган. Қашғар шаҳри билан олиб борган савдо-сотик муносабатлари эса Фарғона архитектура мактабида ўз изини қолдирган. Масалан, устидан ёритиладиган ёпик ҳовлилар, ўзига хос каминлар («қашғарча» номи билан машҳур), уйнинг режавий тузилишида тарз бўйича галеря шаклида жойлашиши, яшаш хоналарининг ярим-очиқ умумий хонанинг икки ён томонига симметрик тарзда жойлашиши, енгил ҳаракатланувчи пардадеворлар Хитой архитектураси мактабининг ўзига хос жиҳатларини такрорлаган⁴⁶.

Шу тариқа Хоразм, Бухоро, Фарғона водийсининг сиёсий йиғиқлиги мустақил турар-жойларнинг турлари (Хива турар-жойлари, Бухоро турар-жойлари, Кўқон турар-жойлари)ни келтириб чиқарган⁴⁷. Бундан ташқари Самарқанд, Шахрисабз ва Тошкент турар-жой турлари ҳам борки, улар Бухоро ва Фарғона архитектура мактаблари асосида шаклланган бўлса ҳам, уларнинг ҳар бири ўзига хос безак ва иқлим шароитига мос хусусиятларга эга.

Ўзбекистон тарихий шаҳарлар марказларида шаклланган турар-жой биноларининг ҳар бири ўзига хос тафсивларга эга индивидуал обьектлар. Шунга қарамай уларда бир-бирига ўхшаш ва умумий жиҳатлар ҳам мавжуд. Шундай хусусиятлардан бири – бу уларнинг фазовий-меъморий ёпиқлилиги.

Ўзбекистон тарихий шаҳар марказларида шаклланган турар-жойларнинг яна бир умумий хусусияти бу турар-жойнинг ташқари ва ичкари ҳовлиларга бўлиниши. Ўзбекистон тарихий шаҳарларининг марказларида учрайдиган турар-жой биноларида, асосан, турар-жой биноси эгасининг у ёки бу ижтимоий даражага тааллуқли эканлигини кўрсатган. Тураг-жой эгаси қанча каттароқ мавқега эга бўлса, унинг хонадонидаги аёлларни ташқаридан келадиган эркакларнинг назаридан ҳимоя қилишга кўпроқ эътибор қаратилган⁴⁸.

Иқлим шароитининг ўзига хослиги ҳам турар-жойларнинг ҳар бирини конструктив жиҳатдан бир-биридан фарқланишига олиб келган:

1. Ёғингарчилик қўп бўладиган шаҳарларда том ёпмаси нисбатан қалинроқ ва бу томни кўтариб туриш учун қалин деворлар қурилган⁴⁹.

⁴⁵ Юсупова М. Бухарская школа зодчества XV – XVII в.в.. Дисс. доктора наук. – Ташкент, 2000 –10 с.

⁴⁶ Воронина В.Л. Народные традиции архитектуры Узбекистана. – Москва: Гос.Изд. литературы по строительству и архитектуре, 1951. – 16 с.

⁴⁷ Файзуллаева Н. Н. Пулатов М. The formation and basis of architectural ensamble art of Bukhara // «Меъморчилик ва қурилиш муаммолари», №2. – Самарқанд, 2016. – 38 б.

⁴⁸ Сухарева О. А. Квартальная община позднефеодального города Бухары. – Москва: «Наука», 1976. – 18 с.

⁴⁹ Воронина В. Л. Народные традиции архитектуры Узбекистана. – Москва: Гос.Изд. литературы по строительству и архитектуре, 1951. – 17 с.

2. Ўзбекистон тарихий шаҳарлари марказларида қад кўтарган туараржойлар деворининг қалинлиги ташқи иссиқ ҳаводан ҳимояланиш ва сейсмика нуқтаи назардан танланган⁵⁰.

Илмий тадқиқот даврида, 2015-2019 йиллар мобайнида, 150 дан ортиқ туараржойларни манзилли ўрганиб чиқилди, жумладан, Бухоро тарихий шаҳар марказида жойлашган Маданий мерос Департаменти рўйхатидаги 100 та тарихий туараржой ўрганилган. Уларни ўрганиш натижасида 100 та тарихий туараржойдан 56% сақланганлиги аниқланган. Ушбу туараржойларнинг ҳажмий-фазовий ечими, композицияси, ички безаклари асл ҳолиша сақланган. Колган туараржойлар хароба аҳволда ёки уларнинг ўрнига замонавий коттедж типидаги уйлар ва меҳмонхоналар қурилган. Меҳмонхоналар ўз навбатида тарихий муҳит тушунчасини бошқа йўналишга бурилиб кетишига сабаб бўлмоқда, биринчидан, меҳмонхоналарнинг ҳажмий-фазовий ечими пастқам қурилиш тушунчасидан анча йироқ, иккинчидан меҳмонхоналарнинг ташқи кўриниши Бухоро тарихий марказида сақланиб қолган тарихий туараржойлар даври (XIX аср охири XX аср боши) архитектурасига тўғри келмайди⁵¹.

Диссертациянинг «**XIX аср охири ва XX аср бошида Бухоро тарихий шаҳар марказида туараржойлар меъморчилиги**» деб номланган иккинчи бобида Бухоро тарихий шаҳар марказида туараржойларнинг режавий-тарҳий, композицион ечимлари, ҳажмий-фазовий, конструктив ва бадиий ечимлари таҳлил қилинган.

Бухоро тарихий марказида жойлашган туараржойлар композицияси, асосан, бир, икки ва уч ҳовлили ечимга эга бўлган. Ҳовлининг неча ҳовлили бўлиши, хонадон эгасининг ижтимоий келиб чиқиши, иқтисодий имконияти ва касбига қараб аниқланган.

Хоналар асосан ҳовли атрофида периметрал жойлашган. Хоналарни ҳовлига нисбатан бундай жойлашуви Хива туараржойларида ҳам кузатилган. Тошкент, Кўқон, Самарқанд анъанавий туараржойларида хоналар ҳовлига нисбатан «Г» кўринишда жойлашган. Туараржойнинг бир ёки икки қаватли бўлишидан қатъий назар ҳамма хоналар ҳовлига қаратилган. Туараржойнинг ташқи деворлари кўча муҳитига ёпиқ деворлар билан чиқкан. Айни пайтда қўшни уй деворлари ҳам ташқарига ёпиқ деворлар билан чиқар экан, туараржой биноларининг ташқи тарзи деярли бўлмаган. Фақат кўчага чиқадиган туараржойларнинг ташқи тарзи бўлган, долон тагидан кириладиган туараржойларнинг кўчага қараган тарзи деярли кузатилмаган. Бухоро туараржойларининг ўзига хос жиҳати кўча тарзининг ёпиқлигидадир, Хива туараржойларида иккинчи қаватда, Кўқон туараржойларида биринчи ва иккинчи қаватларида тарз элементлари кузатилган.

⁵⁰ Воронина В. Л. Народные традиции архитектуры Узбекистана. – Москва: Гос.Изд. литературы по строительству и архитектуре, 1951. – 18 с.

⁵¹ Файзулаева Н. Н. Рахимов К. Д. Қадимий Бухоронинг замонавий муаммолари // «Самарқанд шаҳри архитектураси, замонавий шаҳарсозлик ва шаҳар қурилиши муаммолари» республика илмий-амалий конференция, Самарқанд, 2011 йил 21-22 май. – 234 б.

Тураг-жой томларидан фойдаланиш имконияти бўлган. Фойдали майдонга нафақат айвонларнинг ости (айвонча, ним-айвон), балки томнинг очиқ майдонлари ҳам кирган. Бухорода бу жойлар «рўи-шабга» дейилган.

Бухоро тураг-жойларида хоналар сони Хива ва Кўқон тураг-жойларига нисбатан кўп бўлган. Хива тураг-жойлари асосан бир қават бўлганлиги ва ҳовли юзаси кичкина бўлганлиги хоналар сонини чеклаган. Кўқон тураг-жойлари кўпроқ ёз мавсумида яшашга мослашган бўлганлиги сабабли хоналар сони кўп бўлмаган.

Анъанавий тураг-жой биноси, асосан, 2 қават синчли қутидан (3 қаватли тураг-жойлар ҳам кузатилган⁵²) иборат бўлиб, ташқи деворлариға сомонли лой сувалган ва девор юзи асосан текис бўлган. Тураг-жой атрофидаги қурилишлар билан ўраб тургани учун ташқаридан унинг тарзини аниқ қўриш имконияти бўлмаган, тураг-жой ёпиқ шаклга эга ҳажмни ҳосил қилган. Кириш қисми ўймакор эшиклар билан ажралиб турган. Текис тарзда биринчи ва иккинчи қават ёпмасининг болорлари кўриниб турган. Ушбу кўриниш текис, оддий тарзга бир хил ритм бериб турган. Хива, Кўқон тураг-жойларидан фарқли Бухоро тураг-жойларида тарз элементлари кам бўлган. Кўқон тураг-жойларида кўча тарзида айвон ва лоджиялар кузатилган⁵³.

Бухоронинг кескин-континентал иқлими, ёғингарчиликнинг камлиги, шунингдек ёғоч хом ашёсининг камёблиги, болорларга қўйилган текис том ёпманинг ривожланишига олиб келган. Уйларнинг ҳажмий-фазовий композициясида бу кўрсаткичлар муҳим шарт ҳисобланиб, у маълум маънода бинонинг шаклини олдиндан ҳал қилган.

Тураг-жойларнинг ҳажмий-фазовий композициясида яна бир муҳим омил бу қуёш йўналиши бўлган. Маҳаллий усталар хоналарни иситиш ва совутишда қуёш энергиясидан унумли фойдаланган. Ҳар бир хонанинг қайси томони билан қуёшга қарashi тураг-жойнинг ҳажмий-фазовий ечимини келтириб чиқарган.

Маҳаллий усталарнинг қурилиш усуллари конструктив ечимлар, девор ва том ёпма қурилмалари билан чегараланиб қолмаган. Конструктив ечимлар меъморларнинг бадиий ғояларини рўёбга чиқариш учун техник вазифани бажарган. Бадиий ғояни гўзаллик талаблариға жавоб берадиган ҳажмий-фазовий чегаралар, хоналар ўлчамлари ва уларнинг ўзаро пропорцияларисиз тасаввур қилиш қийин. Математик нисбатлар ўз-ўзидан ҳажмий-фазонинг масалан, хонанинг бадиий ечимини аниқлаб беролмайди, аммо ўлчамлар ва шакллар мутаносиблиги бино ҳажмини ташкил этувчи меъморий қонуният бўлган. Бухоро халқ усталари тураг-жойларнинг тархи, ҳажмий-фазовий ечимини танлаганда ҳамма вақт ҳам қурилишда қабул қилинган мукаммал нисбатларга риоя қилмаганлар. Катта бўлмаган майдонда биноларнинг зич жойлашуви, керакли хом ашёнинг ўз вақтида топилмаслиги усталарни қабул қилинган меъморий нисбатлардан четга чиқишига мажбур қилган.

⁵² Ремпель Л. И. Далёкое и близкое. – Ташкент: Гафур Гулям, 1981. – 160 с.

⁵³ Воронина В. Л. Народные традиции архитектуры Узбекистана. – Москва: Гос.Изд. литературы по строительству и архитектуре, 1951. – 46 с.

Хонанинг баландлиги 4,5 газ (Бухоро ва Самарқанд уста-меъморларда таҳминан 83 см га тенг бўлган⁵⁴), эни 4 газ бўлганда, бу устанинг ҳисоблари бўйича девор баландлигига қараб бир девор текислиги 1 газ, токча – «равоқ» 2,5 газ, ёзув – «китоба» 0,5 газ, фриз – «шарафа» 0,5 газ бўлиши керак бўлган.

Туар жойларнинг девор конструкцияси, асосан, синчдан бажарилган.

Туар-жой ҳовлиларининг тарзлари ганчхок билан бой хонадонларда эса рангли сувоқ билан безатилган. Ганчдан қилинган ўймакор ишлар ва ранг-бўёқ фақат ичкари хона ва айвонларда қўлланилган. Деворларни рангли сувоқ билан безашнинг фақат Бухорога хос бир неча тури бўлган.

Хоналарни безатишнинг усуллари жуда кўп бўлиб, уларнинг сифати ҳар бир уста ижодининг ўзига хослигига боғлиқ бўлган. Ундан ташқари, усуллар безак бериш услубига қараб ҳам бир-биридан фарқланган.

Диссертациянинг «**Бухоро тарихий шаҳар марказида туар-жойларни қайта тиклаш усуллари**» деб номланган учинчи бобида Бухоро тарихий шаҳар марказида туар-жойларнинг шаклланишида Ислом фалсафасининг ўрни ҳақида фикр юритилган, туар-жойларни қайта тиклаш асослари ва усулларни такомиллаштириш ҳақида амалий таклифлар келтирилган.

Қўйида Бухоро тарихий шаҳар марказида XIX аср охири ва XX аср бошларида қурилган туар-жойларга Ислом дини фалсафасининг таъсири таҳлил қилинган.

Куръони Каримнинг Нур сурасида шундай келтирилган: «...Мўминларга айтинг, кўзларини номаҳрам аёлларга тикишдан тўссинлар». «Кўзларнинг хиёнатини ҳам диллар яширадиган нарсаларни ҳам билур» (Ғофур сураси, 19-оят)⁵⁵

Юқорида келтирилган оятлар асосида Бухоро туар-жойларига хос иккита хусусият келтириб ўтилган:

1. *Туар-жой ҳовлисининг эркаклар ва аёллар қисмига бўлиншии.*

Юқоридаги оятларга асосан Бухоро туар-жойининг асосий композицион ечими шаклланган. Туар-жой эгасининг моддий имконияти даражасида ҳовлилар эркаклар (бирун), аёллар (дарун) ва ишлаб чиқариш ҳовлиларига бўлинган. Дарун ва бирун ҳовлилар хонадон эгасининг имконияти ва ижтимоий келиб чиқишига қараб ҳар хил ечимга эга бўлган:

А) Алоҳида турувчи, йиғик, ҳар бирининг ўзи мустақил ҳовли сифатида ишлатиладиган, ёнма-ён жойлашган ҳовлилар; Б) Алоҳида турувчи, йиғик, битта ҳовли тарҳий-режавий ечимида иккита қисмга бўлинган.

2. *Туар-жой ҳовлисига долон, раҳрав (коридор), даҳлиз орқали кирилиши.*

Бухоро туар-жойларига қўчадан кирганда одам шартли равишда тўсиқقا тўғри келган. Бу қўчадан ўтиб кетаётган йўловчи очиқ эшикка назар солган тақдирда ҳовлидаги аёл кишини кўрмаслиги учун ташкиллаштирилган. Тўсиқнинг ҳам турли хил ечимлари мавжуд:

а) катта бўлмаган даҳлиз сифатида ишланган;

б) коридор сифатида ишланган;

⁵⁴ Писарчик А. К. Народная архитектура Самарканда. – Душанбе: «Дониш», 1975 – 36 б.

⁵⁵ Акобирова Д. «Юсуф Ҳамадонийнинг «Одоби Тарикат» асаридаги бунёдкор ғоялар». – Тошкент: «Наврӯз», 2018. – 16 б.

- в) отлар сақланадиган сайсхона кўринишида ишланган;
- г) тураг-жой ҳовлисига тагхона орқали кирилган;
- д) аёллар қисмига эркаклар қисми орқали кириш ҳам, яъни ташқи ҳовли ҳам тўсиқ вазифасини бажарган.

3. Яшаш хоналарининг ичида ёрдамчи хона – мадонларнинг жойлашиши.

Ҳадис. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллалоҳу алайҳи васаллам: «Сиздан бирингиз тоҳаратсиз бўлиб қолса, то у тоҳарат қилмагунча, Аллоҳ унинг намозини қабул қилмайди», – дедилар». Бухорий ва Муслим ривоят қилишган⁵⁶.

«Мурид уйқудан олдин, албатта, таҳорат олиши лозим. Чунки унинг руҳ қуши енгил бўлиб, парвоз қиласи ва Аллоҳ зикрини ҳам жисман, ҳам руҳан адо этади»⁵⁷

Юқоридаги ҳадисларга асосан, мусулмон киши бир кунда беш марта намоз ўқиши, намозни таҳорат билан адо этиши ва уйқудан олдин ҳам таҳорат олиши лозим. Таҳоратни араблар «вузуль» дейишади, ўзбекчада «покланиш, тозаланиш, озодалик» маъноларини билдиради. Ушбу амал тураг-жой хоналарида ювиниш учун хона ташкиллаштиришга эҳтиёж уйғотган. Бухоро тураг-жойларида яшаш хоналари: ёзги ва қишики хоналар ичида ёрдамчи хона – мадонлар ташкиллаштирилган.

Мадон катта бўлмаган, эни ўзи бирикиб турган хона энига teng, узунлиги 1.0 м дан 3.0 м гача бўлган, одатда иккита сатҳга бўлинган хона. Мадоннинг бир бурчагида ташнау бўлган, у мадоннинг полидан 20-25 см пастда бўлган. Ташнау атрофига мусулмонча ғишт терилилган. Мадоннинг бир қисми қуруқ қисм бўлса, иккинчиси нам қисм бўлган. Шу тариқа мадонда таҳорат олиш учун барча қулайликлар бўлган.

Бундан ташқари, Бухоро тарихий тураг-жойларида ўлчов амалиётини ўтказиш жараённида яшаш хонасига кириш жойида майит ювилган сувни ташлаш учун қилинган ташнау сақланганлиги кузатилган. Ушбу ташнаунинг фарқи мадонни ичида эмас, яшаш хонасида пойгоҳда жойлашган, пойгоҳ сатҳидан 25-30 см пастда жойлашган бўлиб, у ҳамма вақт ёпиқ турган. Фақат эҳтиёж юзасидангина очилган. Демак, Бухорода мусулмонларнинг дафн маросимларидаги ўзига хос қоидаларни амалга ошириш учун тураг-жой архитектурасида шу каби элементларга эътибор қаратилган.

4. Тураг-жойдаги ҳажман катта хонанинг меҳмонхона учун ажратилиши.

Ҳадис. Абу Шурайҳ Ҳузоъий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи васалламнинг қўйидагиларни айтиётганларини икки қулогим эшиштган ва икки кўзим кўрган: «Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, меҳмонини икром қилсин, мукофотини берсин» – дедилар. «Мукофоти нима, ё Расулаллоҳ?» – дейишади. «Бир кечаю бир кундуз. Зиёфат уч кун. Ундан кейин садақадир. Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон

⁵⁶ «РАСУЛУЛЛОҲ соллалоҳу алайҳи васаллам». Таржимон: Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Йосуф. – Тошкент: «SHARQ», 2011 – 120,147,153 б.

⁵⁷ Акобирова Д. «Йосуф Ҳамадонийнинг «Одоби Тариқат» асаридаги бунёдкор ғоялар». – Тошкент: «Наврӯз», 2018. – 18 б.

келтирган бўлса, яхши гап айтсин ёки жим турсин», – дедилар. Бухорий ва Муслим ривоят қилишган⁵⁸.

Мусулмон аҳли хонадонидаги энг яхши хонани меҳмонга ажратишган⁵⁹. Иложи бўлса турар-жой ҳовлисида алоҳида меҳмонхона қурилган. Меҳмонхоналар бошқа хоналарга нисбатан кенг, ёруғ, баҳаво бўлган. Ташқи ва ички ҳовлиларга бўлинган хонадонларда ҳар бир ҳовли учун алоҳида меҳмонхона қилинган. Катта ҳовлиларда ёзги ва қишки меҳмонхоналар бўлган. Ўртача хонадонларда иккита ҳовлида биттадан, битта ҳовлини кичкина хонадонларда битта, алоҳида меҳмонхонаси бўлмаган хонадонларда ҳовлидаги энг катта хонада меҳмон кутиб олинган.

5. Яшаш хоналарида эшик ёки деразани қибланинг қарама-қарши томонига жойлаштирилиши.

Бухоро тарихий турар-жойларида ота-боболаримиздан қолган одат бор, ётган одам оёгини эшик ёки дераза томонга қўйиб ётган. Бундай ҳолатда ётган кишининг боши қибла томонга қараб туради.

«Қибла»сўзи луғатда қаршида, рўбарўда турган нарса, дегани. Намозда Каъбаи Муаззама намозхоннинг юзланадиган томони бўлгани учун қибла, дейилади⁶⁰. Шунга кўра ётган киши қиблага оёгини узатмаслиги учун хонани режалаштирганда унинг дераза ва эшиги қиблага қарама-қарши деворга жойлаштирилган.

Куръони каримда бундай оят бор: «Ер юзида кибрланиб юрма! Чунки сен (оёқларинг билан) зинҳор ерни теша олмайсан ва узунликда тоғларга ета олмайсан» (Исро, 37)⁶¹

Хоналарнинг эшиги ўрта бўйли одамнинг бўйидан паст бўлган. Бунинг асосида конструкция билан бирга Ислом одоби ётади. Эшиқдан хонага кирган одам бошини эгиб, хонадагиларга хурмат кўрсатиб уларга салом бериб кирган. Эшик эса қиблага қарама-қарши жойлашганини инобатга олсак, кириб келган одам қиблага қараб салом бериб кирган.

6. Тураг-жой хоналарида болор, дераза, токчалар сони каби элементларда тоқ сонларнинг қўлланилиши.

Хадис. Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳудан ривоят қиласидилар: «Набий соллалоҳу алайҳи васаллам: «Ким «Аллоҳдан ўзга илоҳу маъбод йўқ, У Ўзи ёлғиздир, Унинг шериги йўқ, ...»»⁶².

Аллоҳнинг ёлғизлиги, ундан ўзга илоҳий куч йўқлигини эътироф этган ҳолда меъморлар турар-жойларни лойиҳалаганда тоқ сонига эътибор беришган ва бу жиҳат конструкциядан тортиб, безакларда ҳам инобатга олинган. Тоқ сони ишлатилган айрим мисолларни санаб ўтамиш:

а) яшаш хоналарининг узунлиги 7, 9, 11, 13, 15 болорли бўлган, даҳлизлар 5 болорли, мадонлар 3 болорли бўлган;

⁵⁸ «РАСУЛУЛЛОҲ соллалоҳу алайҳи васаллам». Таржимон: Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. – Тошкент: «SHARQ», 2011 – 357 б.

⁵⁹ Сухарева О. А. Квартальная община позднефеодального города Бухары. – Москва: «Наука», 1976. – 31 б.

⁶⁰ <https://www.savollar.islom.uz>

